

Вожеалар ва тафсилотлар

Олий Мажлисда

САЁЗ РЕЖАЛАР КИМГА КЕРАК?

Тил миллатнинг маънавий бойлиги, унинг узвий ва ажралмас бир бўлагидир. Шу жиҳатдан олганда, бундан ўн уч йил муқаддам қабул қилинган мамлакатимизнинг «Давлат тили ҳақида»-ги Қонуни том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлди. Чунки ўша пайтда мазкур қонуннинг кучга киритилиши шароит нукта назаридан алоҳида жасоратни тақозо этар эди. Хўш, унинг талаблари жойларда қандай ижро этилмоқда?

АҚШ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг федерал молия вазири Пол О'Нилни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда иқтисодларнинг бориши, икки томонлама иқтисодий алоқалар, мамлакатимизда АҚШ сармоясини жалб этишни кўпайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, АҚШнинг иқтисодий шериклари билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида бўлган матбуот анжуманида Президент Ислам Каримов музокаралар самарали ўтганини таъкидлади.

Пол О'Нил АҚШ президентининг асосий иқтисодий масалаларни ҳисобланади ҳамда ҳукуматнинг молиявий ва иқтисодий соҳадаги сиёсатини белгилаш, қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, у АҚШ томонидан Халқаро валюта жамғармаси, Жа-



Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Миллионер корхона

Асака ип-йигирув ва тўқув ҳисдорлик жамияти жамоаси сўнгги пайтларда оғир учун эмас, бозор учун махсулот ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратмоқда. Махсулот сифати янада яхшиланган. Иш кечаю кундуз ташкил этилганлиги туфайли ойига 25 тоннадан қолави ип ишлаб чиқарилмоқда.

Яқингача инкироз ёқасига келиб қолган корхона бугун миллионер жамоалар сафидан ўрин олди. Ип йигирувчилар ва тўқувчилар жорий йилнинг ўтган ойларида 130 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқаришга эришди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кеча Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида мазкур қонуннинг Навойи вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Уни қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борди. Йиғилишда «Давлат тили ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижро этиш бўйича вилоятда муайян ишлар амалга ошириладигани, бу борада махсус дастур қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланди.

Маълум бўлишича, «Давлат тили ҳақида»-ги Қонун асосида идора, ташкилот, корхона, бирлашма ва муассасаларнинг муҳрлари, тамгалари ва иш қоғозлари ўзбек тилида тайёрланган. Шунингдек, иш юритиш ҳам асосан давлат тилида олиб боришмоқда. Фуқароларга давлат тилини ўқитиш ва ўргатишга алоҳида эътибор қаратилиб, меҳнат жамоаларидаги бошқа тилларда сўзлашувчи ходимлар учун амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган. 377 та умумтаълим мактабининг 236 тасида таълим давлат тилида ва 141 тасида бошқа тилларда олиб борилади.

Йиғилишда «Давлат тили ҳақида»-ги Қонун ижросини таъминлашда қатор камчилик ва муаммолар борлиги ҳусусида ҳам гапирилди. Таъкидланганидек, Нурота ва Қизилтепа туманлари ҳокимликлари қошидаги тегишли комиссияларнинг бу борадаги иш фаолиятини қониқарли, деб бўлмади. Уларнинг иш режалари саёз, «Давлат тили ҳақида»-ги Қонун ижросини назорат қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Ҳатто сўнгги бир йил давомида комиссияларнинг мажлислари ҳам ўтказилган эмас.

(Давоми 2-бетда).

Нукус шаҳрининг 70 йиллиги олдидан

ШАҲАРДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Мамлакатимизда ҳорик инвестициясини жалб этиш, чет эл фирми ва компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилган алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, транспорт соҳасида ана шундай ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги Халқаро тикланмиш ва тараққийёт банк билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг 5 шаҳри — Олмалик, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Нукусда йўловчи ташуви транспортини ривожлантириш лойиҳасини амалга оширмоқда.

Бунинг учун Халқаро тикланмиш ва тараққийёт банк 10 йил муддатга кредит ажратди.

Нукусда ушбу лойиҳада қўла тутилган — шаҳар йўловчи ташуви транспортини ривожлантиришни ҳужудий асослари ва транспорт бозорига тенг рақобатли хизмат кўрсатиш шартлари яратилиши, йўловчиларни оқиб тендер усулида жойлаштириш, йўловчилар оқибини ўргатиш ва шу асосда транспорт қатновини ҳамда қара ҳақини белгилаш ва пул тушумини боқариш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳар транспорт хизмати кўрсатиш ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Германиянинг «DORNER SYSTEM KONSULT IMBH» компаниясини мутахассислари иштирок этди.

Ушбу кредит ҳисобидан шаҳар ичида қатновини 67 та замонавий автобус сотиб олиш режалаштирилган, — дейди Нукус шаҳар йўловчи ташуви транспорт бошқармаси бошлиғи Тўхтарбой Иметов. — Мазкур лойиҳа бўйича шу йилнинг 12-25 май кунлари Лондонда бўлиб, у ердаги шаҳар йўловчи ташуви транспорт тизими билан танишиб қайтдик. Ушбу лойиҳа амалга ошса, шаҳаримиз аҳолиси ва меҳмонлар учун қатта қўлайликлар яратилади.

А. ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

Яшириниб Яшаб бўлмайди

Жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончлари, шу билан бирга, машаққатли оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисиқлик муҳити ҳукмрон бўлади.

Ислам КАРИМОВ.

«Одамод икки-икки ярим қадаҳ сув билан кундалик чанқоғини босар, тўрт тиллаш нон билан қорини тўйгазар. Лекин... бир кеча-кундуз саксон олми минг тўрт юз сониядан иборат бўлса ва ҳар сонияда мингта янгиликдан хабардор бўлиб турса ҳам, унинг қизиқув ва ўрганиш эҳтиёжини қовдонишга бу оқим камлик қилар.

Одамлар, айниқса, ўзларида энг аҳамиятли деб билган хабар ва шарҳлари матбуотдан кутмади. Яхшиси, келинг, бу ҳақда айрим газетхонларимиздан эшитайлик.

Ёқуб МАҲМУДОВ, Жарқурғондаги «Сурхонтекст» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси:

«Хар кунги беш соат мутолаа билан шуғулланаман. Уч соат китоб ўқисам, икки соат вақтининг матбуот нашраларини кузатишга бағишлайман. Лекин шу икки соат газета ва журналларни қараб чиқишга... кўплик қилиб қолади. Чунки, одамни эриктириданган ёки бундан икки-уч кун олдин бошқа газетда чиққан мақола, хабарларни, табиyki, ташлаб қўяман.

Кейинги пайтларда, тўғри, мамлакатимиз матбуотида жонланмиш, сил-

Фарғона томонларда

Маърифий дастур амалда

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, БМТнинг ЮНИСЕФ фонди ҳамда ЮНЕЙДС халқаро ташкилоти ҳамкорлигида «ОИТС ва гиёҳвандлик касалликларининг олдини олиш бўйича ёшларнинг маърифий дастури» доирасида Фарғонада семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларда вилоятдаги 20 нафар ёшлар етакчилари кўнгилли сифатида иштирок этишди. Машғулотлар давомида унинг қатнашчилари ОИТС ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари, уни келтириб чиқарувчи омиллар, ушбу йиллардан ҳимояланганининг маънавий-маърифий усуллари тўғрисида янги маълумотларга эга бўлишди.

Янги турдаги махсулотлар

Газетамизнинг май ойидаги сонларидан бирини Марғилон шаҳридаги «Турон шойис» акциядорлик жамиятида янги турдаги махсулотлар тайёрлашга эътибор берилмаётганини таъкид қилинган эди.

Корхона раҳбарларининг хабар беришларича, газета чиқаришдан сўнг аҳоли яқин томонга ўзгаришга учирди. Чунки, яқиндан бошлал «Альпака», «Поплин» дарпардаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу махсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, 1 ва 2-тўқимачилик корхоналарида янги нусхадаги шойи махсулотлари, «Шотландка» матосини тайёрлашга киришилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида Тергов якунланмоқда

мирлашга давлат бюджети ҳисобидан қатта маблағ ажратилганлиги, лекин таъминланган ишлари нисбатан сифатсиз бажарилаётганини таъкид қилинган эди. Яқинда ушбу мақолада юзасидан Сирдарё вилояти прокуратурининг ўринбосарлари Э. Йўлдошев ва А. Шамсидулло номидан иккита жавоб хати олинди. Уларда шундай дейилган: «Бош вазирчи «СТП-5» қурилиш ташкилоти раҳбари И. Самаров ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси, 3-қисмининг «а» банди ва 205-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. И. Самаровга нисбатан қамоқда олиш эҳтиёт чоралари қўлланилган, айни пайтда тергов ҳаракатлари якунланмоқда».

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

ХЎЖАСИЗЛИК

енгил sanoat тизимида нефть махсулотлари ва газдан фойдаланишда исрофгарчиликларга олиб келмоқда

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган йилги йиллик натижада мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурслари, хусусан, нефть ва газдан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланишни устувор вазифалардан бири этиб белгилаб берган эди. Афғуски, «Узавнефтегазинспекция» томонидан ўтказилган текширишлар «Узенилсан» уюшмасида нефть махсулотлари ва газдан фойдаланиш масалалари эътибордан четда қолётганлигини яққол кўрсатди. Текширилган 27 та корхона ва ҳужаликда автотранспорт ва бошқа техника воситалари иши устидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги, улардан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнил-

ғи-мойлаш махсулотлари ва газнинг ортиқча сарфланиши ва ноқонуний тарзда ҳисобдан чиқарилишига олиб келмоқда. 9 та корхонада эса қарийб 700 минг сўмлик, яъни салкам 6 минг литр нефть махсулотлари кўп ишлатилган. Унинг 417 минг сўмлик тўқимачилик қўллангани қандай баҳолаш мумкин? Самарқанддаги «Нафис», «Буҳоротекс» корхоналарида ҳам қўшимча сарф-харажатларга йўл қўйилганини оқлаб бўлмайди.

Айниқса, уюшманинг бир қатор корхоналарида бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш, ошириб кўрсатиш каби ярамас иллатларнинг ҳамон мавжудлиги ачинарлидир. Текширилган 5 та корхонада бунинг натижасида 116 минг сўмдан зиёд автоёнилғи ҳисобдан чиқарилган бўлса, 10 та корхонада 1 миллион 243,3 минг сўмлик, 7700 литрдан зиёд турли нефть махсулотлари номувофиқ мақсадларга сарфлангани аниқлан-

(Давоми 2-бетда).

Лондондан хушхабар

Кураш фидойисига эҳтиром

Европанинг юраги саналмиш Англияда Ўзбек курашининг жадал ривожлантирилган хабардоримиз. Мана, 3 йилдирки, бу ерда Кураш халқаро ассоциациясининг Фахрий Президенти Ислам Каримов турнири юқори савияда ўтказилмоқда. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунда кўпга қўлаш кураш фидойиларининг салмоқли ҳиссалари бор.

Кураш халқаро ассоциациясининг қароргоҳига Буюк Британия кураш ассоциацияси бош котиби Поль Соьердан хушхабар келди: Буюк Британияда ўтказилди келинган аъёнлар «Ислам Каримов халқаро турнирини» ташкил қилган жабон Стівен Свитлов Британия қиролчилиси тузилган жабон муносабати билан ўтказилган таътананда Бош вазир Тони Блээр томонидан «Британия Империяси аъзоси» деган юксак унвонга тавсия этилган.

Ушбу юксак унвон Британияда ришар унвонидан кейинги ўринини эгаллаб, жамият ривожланишига улкан ҳисса қўшган шаҳарларга берилди. Моҳир ташкилотчи Британия жамиятининг ривожланишига қўшган хизматлари учун бундай юқори мукофотга лойиқ, деб топилди ва шу йили Бухенгем саройида Буюк Британия қиролчилисининг ўз қўлидан бу юксак мукофотни қабул қилиб олади.

Жаноб Свитлов халқаро кураш оиласига 2001 йилда қўшилди ва шу қўнғача Британия Кураш ассоциациясининг раиси сифатида Бирлашган қиролчиликда ўзбек курашининг янада ривожланишига куч-ғайрат сарфламоқда.

З. РЎЗИЕВА, Ассоциация матбуот котиби.

Буюк истиқбол муҳдаси

Асака шаҳрида нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида биринчи ва ягона енгил автомобиль заводи — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга тушганига олти йил тўлди. Ана шу қисқа давр мобайнида заводда 296 мингта автомобиль тайёрланган бўлса, шунинг ҳар бештадан биттиси хорижга экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар ва тафсилотлар

САЁЗ РЕЖАЛАР КИМГА КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матбуот бошқармасига қарашли босмаҳоналарда чоп этилаётган матбаа маҳсулотларининг сифати, босмаҳоналарнинг моддий-техник аҳоли эса замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди.
Тугри, алоқа тизимида асосан ўзбек тилида чиқарилган иш қозғоғларидан фойдаланилмоқда. Лекин вилотдаги айрим алоқа муассасаларида (Қизилтепа тумани) «Министерство связи СССР. Почтовый перевод», «Министерство связи СССР. Телеграфный перевод» каби иш қозғоғларининг ҳамон мавжудлигини нима билан изохлаш мумкин? Энг ачинарлики, айрим шахар ва туман ҳокимликларидagi иш юртиш варақаларида ҳанузгача «Совет Социалистик Жумҳуриялари Иттифоқи халқлари тиллари», «жумҳурият», «ўлка», «ноҳия» каби сўзлар сақланиб қолган. Барча ҳодимлар учун рус тилида «Типовая межведомственная форма №Т-2, Утверждена ЦСУ СССР 25.07.79г. №248. Личная карточка» тўдирилган. Ушбу варақаларда «Состоит ли членом ВЛКСМ» ёзуви 6-банди ҳам сақланиб қолган.
Ҳа, бундан ўн уч йил муқаддам ўзбек тилининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мустақиллигимизнинг ибтидосини ташкил қилган, унинг мазмун-моҳиятини белгилаб берганди. Модомки, шундай экан, «Давлат тили ҳақидаги Қонун ижросини тўла-тўқис таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбарининг бурчига айланмоғи шарт. Бўлиб ўтган йилгишда айни шу ҳуқуқда қўлдан-қўп фикр-мулоҳазалар билдирилиб, мавжуд камчиликларни бартароф этиш бўйича тавсиялар берилди. Қўмита йилгиши муҳоқама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.
Ф. САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Универсалбанк» устав капитални оширмоқда

«Универсалбанк» (собиқ «Қўқонбанк») хусусий акциядорлик тижорат банки йил охирига қадар устав капиталини 1 миллиард сўмга етказишга қарор қилди.
Банк бошқаруви раиси Махмудхон Йўлдошевнинг айтишича, жамоа ҳар бирининг номинал қиймати 100 минг сўм бўлган 1000 дона акциянинг қўшимча эмиссиясини фаоллик билан жойлаштирмоқда. Натияжада банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш имконияти кенгаймоқда. Утган олти ой ичида банк тадбиркорлик субъектларининг 403 миллион сўмлик лойиҳаларига кредит маблағлари ажратгани бунинг далилидир.
Мамлакатимиз молия бозорига ўтган йилнинг апрелидан бошлаб фаолият кўрсатаётган ушбу банк Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги» Фармонига асосан ташкил этилган ва фойда солиғидан икки йил озод этилган. Банк ўтган йилги (25 миллион сўм) ва шу йилнинг ўтган олти ойидаги соф фойдаси (50,8 миллион сўм)ни бутунлай банк капиталини кўпайтириш ва инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган. Банкнинг эъмон талабларига жавоб берадиган янги технологияларни жорий этиш, мижозлар ва омонатчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга олиб келмоқда.
Банк капитални ҳозирги пайтда 498 миллион сўмни ташкил этмоқда. Кредит қўйилган миқдори 421 миллион сўмга, мажбурияти эса 332,8 миллион сўмга етди.
Банк шу кеча-қундузда 360 та тадбиркорлик тузилмасига хизмат кўрсатмоқда.
— Банкимизнинг бу йилги стратегияси эълон қилинган устав капиталини тўлалигича шакллантиришга қаратилган, — дейди М.Йўлдошев. — Бунинг ҳисобига банкимизнинг хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик технологияларни сотиб олиш, халқ хўнарандчилиги ва амалий санъатини юксалтириш, касаначиликни ташкил этиш ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган лойиҳаларни кредитлаш имкониятлари янада ошади.
Шуни таъкидлаш жоизки, банк яқин кунларда Тошкент шаҳрида ўзининг янги филиалини очибди.
А. ҲАЙДАРОВ.

«БАРАКАТ-ҚАНДОЛАТ» ИШ БОШЛАДИ

Тўртқўл туманида қандолат, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга иختисослашган «Баракат-Қандолат» корхонаси иш бошлади. Корхонанинг тўртта цехига Тошкентдан келтирилган ускуналар ўрнатилди. Бу ерда бир кеча-қундузда 2 тонна пенеце, 1 тонна нон маҳсулотлари, 2 тонна қандолат, 1 тонна макарон тайёрланмоқда. Корхона 90 та савдо шохбачасини маҳсулот билан таъминлайпти.
— Корхонамизда 50 киши ишлайди, — дейди жамоа раҳбари С.Султонов. — Уларнинг аксарияти уй бекалари эди. Тайёрлаётган маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлаётгани бизни қувонтиради.
А. ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

ОМОНАТЧИ — ИҚТИСОДИЁТ ИНВЕСТИОРИ

Маълумки, ҳисоб-китобли одамлар эҳтиётлари билан ортти қолган маблағларини ҳам қўшимча даромад олиш, ҳам ёмон кўнлардан асраш мақсадида банкларда сақлашга одатланган. Лекин улар банкларда турган маблағлари мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутганини билишармикми? Мухбиримиз республика Халқ банки бошқаруви раиси Жамшид САЙФИДИНОВ билан шу ҳусусда суҳбатлашди.
— Жамшид ака, банкка қўйилган омонат орқали маълум миқдорда даромад олиш ҳаммага аён. Аммо банкнинг қўйилган маблағи қайси мақсадларга йўналтиришдан қўччилик хабардор эмас. Шундай эмасми?
— Ўринли савол. Биласизми, ҳозир республикамизда 38 та турли шаклдаги тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг деярли барчаси асосий йўналишларидан ташқари аҳоли қўлидаги эркин пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш билан ҳам шуғулланиди. Айни пайтда ушбу банклар томонидан жамланган омонатлар ҳажми жами банк депозитларининг 23 фоизини ташкил

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳамюртларимиз мазкур завод конвейерларидан чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» ва «Матиз» русумли машиналарни эндиликда автодўконлардан ўзиди ва истогидан келиб чиққан ҳолда бемалол харид қила олади.
Бир сўз билан айтганда, бугун халқимизнинг ўз автобилларидан кўнгли ва кўзи тўқ. Кеча-чи? Кеча...
Утган асрийинг 70-йиллари эди. Қишлоғимизда иттифоқнинг олис худудидан бир тўғуз машинафурушлар пайдо бўлди. У пайтларда енгил машина сотиб олишга пул жағғаришининг ўзинга кифоя қилмас, бунинг учун ишончоно ижрокўларда қўсонли рўйхатларга тиркалганча армонга ҳасрат билан узундан-узюк, баъзан бутун умр навбат кутиш керак бўларди.
Шу боис «каловини топган» машинафурушлар алоҳида меҳмонларозлик билан кутиб олинди. Анчайин иззат-иқромдан кейин сандиғид пул, қўнгида машина олиш орузи бор бир неча ҳамқишлоғимиз тилларанг «Москвич» ли бўлиб улгурди. Аммо кейинроқ, маҳалли синчиларини харид қилинган уловларини обдон ўрганган, ишининг мис қички. Мугомбир меҳмонларимиз янги деб озғизга сиққан нарҳда пуллаган машиналарнинг бари аслида «усти ялтпирок, ичи қалти-

(Давоми. Боши 1-бетда).

роқ», яъни эски-туски эҳтиёт қисмлардан йилган ва яхшироқ бўёқ чаплаган «шалдирок арава»лар экан.
Кейинчалик, мустақиллик шарофати билан юртимизда ўз автобилларимизни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳақидаги янгиликни баъзи дордошларимиз бироз ишончсизлик билан кутиб олганини кўриб, эски тузум даврида машинафуруш биродарларимизга чўч тушаривер, қатқил ҳам пулбаб ичишга ўрганиб қолган кишилар доирасида фақат ҳамқишлоғларим билан чекланиб қолмаган экан-да, деб ўйлаганим ҳам рост.
Уша дамларда эса «Нексия», «Тико», «Дамас» каби атамалар замирида қандай сиринчо ва мазмун-моҳияти яширинганда беҳабар айрим соддалик, ишонувчан кишиларимиз баъзи асосиз ишмишлардан росмана ташвишга тушса, асарият бағрикенг ватандошларимизнинг «номини «Нексия» деб қўйибди-ку, демек, неклик — яхшилик, эзгуликдан далолат», деган кўшнйларидан бир қадар таскин толарди.
Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, «ўша

БУЮК ИСТИҚБОЛ МУЖДАСИ

пайтда бундай улкан лойиҳанинг устида ишлаётганимизда узюк ва яқин кўнлиларимиз, хоризжаги ва ўзимиздаги айрим тўғуз ва одамларда: «Нима, Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган тараққи топган йиғирма саккиз давлат қаторидан жой олиш мумкинми?» деган шубҳа-тумон, ишончсизлик пайдо бўлган. Улар бу ҳақда зарда ва истеҳзо билан гапирганлари ҳеч кимга сир эмас!»
Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистонинг автомобиль ишлаб чиқарувчи заварласт давлатлар қаторига кириши борасидаги собит иродаси ва қатъияти, астойдил саяҳатлари ҳамда жўшқин шижоати ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Бугун мамлакатимизнинг туғури ва ифтихорига, сановатимизнинг етакчи корхонасига айланган «ЎЗДЭУАВТО» заводини барпо этиш юзасидан ас ташаббускор — Юрбошимизни ўз вақтида бу янгилик шубҳа-тумонлар иккилантирмаганига гувоҳимиз.
Ақинча, Президентимиз бу борадаги барча ишларга, хусусан, Жанубий Корея дав-

лати, корейлик шериклар билан ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига шахсан раҳномалик қилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йилда Корея Республикасига сафарни натижаси ўлароқ, тарихда мисли кўрилмаган кичка фурашга — атиги 40 кунда давлатлараро бир фикрга келиниб, юртимизда автомобил ишлаб чиқарилган Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшим корхонасини барпо этиш юзасидан битим имзоланганининг ўзинек бунинг яқол ибтидоридир.
Завод ҳам нисбатан кичка мудат — икки ярим йил ичида қўриб битказилди. Бунга қадар Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси ва бошқа ҳоржий мамлакатларнинг етакчи автомобиль корхоналари фаолияти, уларнинг ибратли тажрибаси билан яқиндан танишиб борилди.
Ана шундай изчил саяҳатқаратлар натижасида мустақиллигимизнинг бешинчи йилида, 1996 йилнинг 19 июль кунин юртимизда «ЎЗДЭУАВТО» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшим корхонаси — замонавий завод иш бошлади.

ПАЛАТА ТАДБИРКОР БИЛАН БИРГА

— Мурожаат қилаётган тадбиркорлар орасида бирор-бир жиддий мақсади йўқ кишилар ҳам борлиги таажубланарли, албатта, — дейди палата раиси Б.Нуршодев. — Қўмагимизда хўжга тайёрлаб, банкдан кредит олиш пайдидан бўлганлар ҳам учраб турибди. Бундайлардан асл мақсадини сўрасангиз, «Қўнчилик тадбиркорлик қияляпти-ку, мен ҳам бирор-бир нарсга қиларман-да», деб қўяди. Табиийки, бу тонфага тадбиркорларга мавжуд қонун-қондаларини атрофдаги тушунтиришга, асосиз иттимосларини эса рад этишга тўғри келмоқда.
Лекин пухта билим, тажриба ва мукамал режага эга тадбиркорларимиздан амалий ердимизни аяётганимиз йўқ. Масалан, тадбиркор Б.Урнбобоев сановат моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мақсадида туман марказида «Мўжиза» деб номланган хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Фирма бизга мурожаат қилгандан сўнг тўқувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида 20 миллион сўмлик кредит лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳа амалга оширилиши арафасида турибди. Етмиш нафар йилит-қиз ишга тақдиф қилинган.
Шунингдек, тадбиркор А.Ҳакимовнинг аҳолига кимёвий тозалаш хизмати кўрсатишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Ҳакимота» хусусий фирмаси учун 10 миллион сўмлик кредит лойиҳасини тайёрлаган, амалга оширилди ва 12 киши иш билан таъминланди.
Умуман олганда, ҳамкорликда тайёрланган лойиҳалар асосида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида «Пахтабанк»нинг турман бўлими кичик ва ўрта бизнес субъектларига 71 миллион сўмлик кредит ажратди.
Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Яшириниб Яшаб Бўлмайди

Эдик қандай ишлашни. Бу ҳақда лекин газета учун батафсил гапириб бўлмайди — фойдаси йўқ. Ақинча, маълуматда қолишинг мумкин.
Бир ҳамкасбим, ҳаёт бошқа йўлдан-у, матбуот бошқа йўлдан келатганга ўхшайди, деб қолди. Бу гапта мен қўшилмайман. Матбуот ҳаётга яқинлаштишга ҳаракат қилаётганга ўхшайди. Матбуотнинг шу интилиши самимий ва қатъий бўлса, ҳаёт ундан қочмайди. Ҳаёт, ақинча, уни бағрига олади. Мен урган бонги йилгирма-ўттиз йилларга тайийлган гаплар қўтаман газеталардан. Бошқотирмаю рекламалар меърида берилса.
Хўррам ҲАЙДАРОВ, Олтинсой туманидаги ҲАЙДОРАДЛА ҚИЛОТҚА ФУКАРОСИ:
— Матбуот занг босган мурватларни бўшатуви ва ақинча, бўшаганларни қотириб қўйгувчи қалит бўлиши керак.
Қишлоғимизда Аҳмад Мажитов деган фермер бор. Қишлоқ йўллари асфальтлаган, ариқлар қаздирган зўр фермер. Шу фермерни мақтай-

миз, деб телевизорчилар кўп келишди. Аҳмад бўлса суратга тушмади. Бунинг сабабини сўрасам, Аҳмад, уларнинг ишлари бўлақча-ю, хаёллари бўлақча, деб айтгандай бўлди. Ана, кўрпесими, бизнинг гапларимиз билан ишларимиз бир бўлиши керак. Шундай бўлмас экан...
Мен, мана, яқинда туман ҳокимининг устидан шижоат, шижоат эмас, ҳаммаси тўғри гаплардан иборат фелетон ёздим. Ҳокимнинг ёмон кўрганми учун ё паразитлардан қилган йўқ бу ишни. Айрим ноҳақликларга сабрим чламалди, тамом.
Еганларимнинг, эҳтимол, фойдаси бўлмас. Чунки биз томонларда, тўғриси, газетанинг танқидини кўриб, қўрмаганга олиб қўйишди. Тўғри, гапни айтганинг учун ёмон ортиқча чиқариш мумкин. Тўғри матбуот бир томонда-ю, раҳбарлар иккинчи томонда тургандай.
Шунинг учунми, ҳозир мижозлар ҳоким боборларни танқид қилишга журъати етмай қолаётгандай. Йўлдаги тўқсанлари эмас, майда-чўйда чўп-хасларни сугуриш билан овора бўлиб қолаётгандай. Газета, матбуот, муҳбир кўча сугурувчи эмас, йўл кўрсатувчи бўлмоғи керак, деб ўйлайман.
Бирон нарсдан жағранган одамнинг ҳаммаси қўлига қалам олиб, муҳбир бўлишга келиб қолади. Лекин жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг дард-муаммоларини қўрғанда кўплар уларни панана тортадилар. Яширина бошлайдилар. Йўқ. Биз, ахир, ҳуқуқий демократик жамият қуриш нияти билан яшаймиз. Бу йўлда эришаётган ютуқларимиз бор. Демократия — бу, аввало, ўз-ўзинга ва жамиятга бўлган масъулият эмасми?!
Тарафқашликлар, тарқоқликлар, тушунмовчиликлар — шунга ўхшаш кўрниниларни муроқоа келтирувчи куч — газета, матбуот. Ҳаёт ундан асл суратларини кўриб, қалдибагини аянам ростилаб бормоғи керак.
Сўхбатни О. УСАНОВ ёзиб олди.



Тошлоқ туманидаги «Оқолтин» шарқат хўжалиги нудратчиси Олим Набиев ишининг кўзини билладиган уста деҳқонлардан. Ҳар йили галла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириб келаятганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Айни пайтда унинг иштиеридаги гўзалар ривожки кишининг кўзини қўнанади. Тажрибали пахтакор ниҳолларни обихаётга қондираётганлиги боис бунга эришмоқда. Пудратчи ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил олишни мақсад қилиб қўйган. СУРАТДА: тажрибали пахтакор Олим Набиев. М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ХЎЖАСИЗЛИК

Хақди савол туғилади: нима сабабдан бу камчилик ва нуқсонлар содир бўляпти? Авваламбор, уюшма раҳбарияти ресурслардан ўринли, оқилона фойдаланиш, уларни тежаб-тергаб ишлатиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Ҳеч ким бу масалалар билан тайинли, тартибли шуғулланмади. «Бир гап булар» қабилида иш тутилганини билдирмайди ми бу? Бўлмаса, текширилган корхоналарнинг 33 фоизидан нефть маҳсулотларидан тежамли фойдаланишнинг ташкилий-техникавий тадбирлари режаси ишлаб чиқилиб, унга риоя этилган бўларди. 12 та корхонада тегишли йўриқномалар умуман йўқ, 16 тасида эса бу иш билан боғлиқ қўлланмалар ва шу масалада ир низоэмлар ишлаб чиқилмаган. Энг афсусланарли томони шундаки, бу ишлар бирор сўм ҳам харажат қилишни талаб этмайди, балки оддий эйтибор, саражон-сарипталикни тақозо қилади, ҳоло.
Бунинг устига, нефть омонбдорлари техникавий ва ёнгин хавфсизлиги талабларига умуман жавоб бермайди. Ёнигли тарқатиш

устунлари ўрнатилмаган, нефть маҳсулотлари турли идишларга қуйиб берилмоқда. Шунинг узидан 14 та корхонада 9,7 тонна ёнигли бекорга исроф бўлмоқда, носоз техникадан фойдаланиш ва турли самарасиз ишлар туғайли 7,9 тонна нефть маҳсулотлари йўқотилаётганлиги қайд қилинди. Оқибатда 5 та нефть омонборининг ҳолати қоникарсизлиги сабабли, ёпиб қўйилди.
Худди шундай аянчли манзарани газдан фойдаланиш борасида ҳам кузатиш мумкин. Уюшма тизимидagi 9 та корхона ва ташкилотнинг газдан фойдаланиш ҳолати текширилганда, қозонларда режим созулаш ишлари ўтказилмаганлиги, қуримлар учун алоҳида газ ҳисоблагичлари ўрнатилмаганлиги, иссиқлик энергиясини ўлчаш асбоблари йўқлиги, автомастик бошқарув тизимлари ишламаслиги кузатилиди. Пировадилда ярим миллион сўмликдан зиёд 81,5 минг куб метр табиий газ ноқонуний ва нооқилона сарфланган. Масалан, «Буҳоротекс», «Учкун» каби 3 та корхонада газ ўзбосимчилик билан улаб олиниб, жомадалар ундан бемалол фойдаланаверишган. Бундан ташқари, енгил сановат корхоналарида белгиланган газ лимитига риоя қилмай, ортиқча фойдаланиш, нотўғри сарфлаш каби камчиликлар ҳам талайгина.
Нефть маҳсулотлари, газдан фойдаланишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйгани учун уюшманинг 25 та корхона ва хўжалигига 7,4 миллион сўмлик жарима қўллангани. Айбдорларга нисбатан эса тегишли чоралар кўрилиб, кўплаб ҳодимлар жазоландилар, албатта. Аммо бу билан аҳвол ўнганлиб қолармикми? Наҳотки, уюшмадагилар бугунги кунда одамлар онг-шуурини да моддий ва табиий ресурслардан фойдаланишда рўй бераётган ўзгаришлар, муносабатларни ҳис қилмай, ҳамон эскича ишлашни афзал қўраётган бўлсалар? Ахир, уша нефть маҳсулотлари ва газга одамлар меҳнатидан юзга келадиган маблағ ҳисобидан ҳақ тўланади-ку? Ортиқча жарималар эса корхоналарнинг ишчи-ҳазматчилари насибасини қўрқатганлигини улар билдирармикми?!
Ш. МУСАЕВ, «Ўздавнорфтгазиспекция» бошлигининг биринчи ўринбосари. С. САЛИМОВ, матбуот маркази раҳбари.

Банк тизими

сақланаётган пуллари банк оборотида жалб этиш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Улар самара бераятми?
— Очиғи, бу пуллари банк омонатларига бандлар парвоз ваъдалар, одамларнинг ишонини қийин юқори даражадаги фойз ставкалари билан жалб қиламан, деган жамоа хато қилади. Шунинг учун бугунги кунда тижорат банклари Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларидан белгилаб берилган йнмишлардан фойдаланган ҳолда, омонатларнинг жойбандорлигини янада ошириш чораларини кўрмоқдалар. Натияжада банк тизими бўйича аҳоли омонатларининг қолдиғида кейинги уч йил мўйайинда кескин ўсиш тенденцияси кузатилади.
(Давоми 4-бетда).

Жамгарма тухфаси

«Соғом алоҳ учун» хайрия жамгармаси мамлакатимизда кеч қўлдан ишларни амалга оширмоқда. Кеча жамгарма томонидан ташкил қилинган тадбирда республика сарфини марказига эндиловкокамга эндиловко гистероскони ва 6000 АҚШ доллари миқдорда реагентлар топширилади. АҚШнинг «Смай Трайн» хайрия ташкилотининг 5000 долларлик грант маблағи ҳисобига харид қилинган қимматбаҳо асбоб-ускуналар 1-Тошкент давлат тиббиёт институтига боплар жарроҳлик, стоматология клиникасига берилди. Шунингдек, жамгарманинг тиббий-ижтимоий марказига оналар, болалар ва ўсмерлар саломатлигини муҳофазат қилиш ва соғломлаштириш мақсадида тиббий физиотерапевтик исбоб-ускуналар тухфа этилди.
Феруза БҮТАЕВА.

Мардлар қуриқлайди Ватанни!

Бобосига тортган



Хар бир исмининг ўзига яраша маъноси бор. Равшан ака ўғлига Темурубек дея исми қўйганида фарзандининг буюк бобобалондек мард, жасур, Ватани учун фидойи бўлишини ният қилганди. Тақдир тақозосини қаранг, ният ижобат бўлиб, улут саркарда бобосидек бўлишга аҳд қилган йигит ҳарбийликни танлади.

Темурубек мактабда ўқиб

юрган пайтидаёқ буюк аждодалари меросидан баҳраманд бўлди. Айниқса, Соҳибқирон ҳақида кўп асарларни ўқиди. Шу аснода қалбига ҳарбий соҳага муҳаббат илдиз отди. Хатто юқори синфларда ўқиганида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларига қатнашиб, чиниқа борди.

Мақола ва даҳқаларимизда янги минг йилликнинг илк офицерлари хусусида кўп бора

сўз юритганимиз. Албатта, бу жанрдор янграгани билан ўзига яраша масъулияти бор. Дейлик, армиянинг профессионаллашуви сари бораётганини олайлик. Татқиқлаш жоизки, бунда ҳар томонлама юксак билимга, дунёқарашига, касбий маҳоратга эга офицергина давр талабига жавоб бера олади. Лейтенант Темурубек Жуманиёзов билим юртида ўқиб юрганидаёқ бу масъулиятни англаб етди. Шу сабабдан ҳам, Куролли Кучлар сафига хизматни бошлаганида баъзи бир ёш офицерлардек доғдириб қолмади. Лейтенант Жуманиёзовга фойдаланган, шунингдек, маҳоратини кўрсатишлари қисми қўмондонлиги уни гуруҳ командири этиб тайинлади.

Гуруҳ посбонлари билан илк бора парашютада сакраш машқини ўтгани аниқ вақтга хотирасидан кутарилмас керак. Ўзини, биринчи ўринда, ишнинг асосини Жуманиёзовнинг шунқорлари энг яхши натижаларни кўрсатиши билан таъқирлади. Ҳаво-десант тайёргаридан ташқари кўп жанги ҳам мазкур жамоа аъзолари учун сеvimли машғулота айланган. Сабби — ушбу машғулоти ҳам ёш командирнинг ўзи ўқиди.

Курсантлик либосини офицерликка алмаштирганида фойдали бир маромад силлиқ кетди, дея олмаймиз. Тажриба, маҳорат тўла шаклланишга баъзи бир ўринларда сезилиб қолди. Аммо илгануванчи офицер тажрибали командирлардан ўрганди, улар билан маслаҳатлашди. Айниқса, вазод командир, катта лейтенант Акбар Парпиевнинг маслаҳатларига таянди.

Гарчи гуруҳдаги посбонларнинг айримлари юқори натижаларга эришган бўлса-да, бундан ёш офицернинг қўлиги тўлмади. «Биз, десантчилар фақат ва фақат аъло баҳоларга ўқинимиз керак», деди у посбонларига.

Айтганча, Темурубек Хоразмининг Ҳазорасп туманидан. Десантчи акасига ҳавас қилган Телман Урганчдаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лилейга кириш тадбиринга юрибди.

Яқинда Тошкент ҳарбий округи доирасида бўлиб ўтган ёш офицерлар йиғинида лейтенант Т.Жуманиёзов ҳам иштирок этиб, жанговар хизматдаги ютуқлари учун округ қўшинлари қўмондонинг буйруғига кўра, Фахрий ёриқ билан таъқирланди.

Буюк бобомизнинг руҳи қўллас, келажакда ўзбек армиясининг нуфузиди янада кўтарилган генерал бўлиб етишини, Темурубек!

Ҳамиша сергак

Абдуҳаким ака ўғли Ҳаёт билан фахрланади. Негаки, у эл-юртга фойдали тегадиган соҳани танлади: Ватан ҳимояси бўлди.

«Аъло баҳолари ва намунали хулқи учун Ҳаёт Воҳидовга кичик сержант унвони ҳамда имтиёзли диплом топирилди» деган овозинг янграгани ҳали-ҳануз отанинг қўлиги остида жаранглайди. Бу сержант тайёрлаш мактаби бошлигининг буйруғи эди...

Ҳаёт мудатли ҳарбий хизматни чегара қўшинларида ўтати. Ана шунда юрт ҳимоясидек эзу ишининг замирида қанчалар заҳмат, машаққат борлигини сезди. Турли ёт унсурлар, чегарабузарларнинг ноқонуний йўллар билан юртимизга суқиб киришига йўл қўймади. Хизматдан заҳирга бўлиб қайтган ўзини бағрига босар экан, Абдуҳаким ака унинг янада уқтамлашгани, тўлишгани, улайганини сезди. Йигит ҳарбий хизмат шунчалар боғланиб қолган эканки, бошқа нинга қўлиги чопмади.

Узгалиги бундайлиг кайфиятининг сезган ота «Болам, ҳарбий бўлман десанг ота, розиман. Бу ҳақиқий эрлар касби», деди. Ҳаёт худди шунини кўриб тургандек: «Ота, мен сержантлар тайёрлаш мактабига ҳужжат топшириб кўрмакчи эдим. Уни профессионаллар мактаби сифатида эътироф этишаватми», дея ёрибди.

Худас, ота дуолири йигитнинг қатъияти, ўз кўлиги бўлган ишончи уни илк синовдан муваффақиятли

олиб ўтиб, мазкур билим масканининг курсантига айлантирди. Аммо бу — Ҳаёт учун энг муҳими эмасди. Яъни, мақсад амалга бўлса-да, ўқишга киришмас, асл профессионал бўлиб шаклланиш эди. Шу боис у тинмай ўз устида ишлади, изланди.

Давлат имтиҳонлари бошланганидан олдин Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари режа бўйича дава-ўқув машғулотларига чиқди. Яъни, ўқув жараёни давомиди олинган билимлар амалда қўрилганини керак эди. Даставвал бўлгуси профессионаллар 12 километрик масофага югуришди. Ҳаёт майдончасида кўргамали услубий машғулотлар ўтказди. Тоғ шартларида блок-постлар қўйиш, шартли душманини ўраб, сойликдан кечиб ўтиш каби турли машқар давомида курсантлар маҳоратларини намойиш этишди. Жумладан, курсант Ҳ.Воҳидов ҳам бу борада илгорилик қилиб, усталари ишончига тўла оқлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, йигитнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқиши гонг кучли. Умумтаълим мактабидан ўқиб юрган кезларида кичик бозоник билан шуғулланиб, ном қозонган. Куролли Кучлар бўйича ўтказилган мусобақада эса спортнинг енгил атлетика соҳасида муваффақият қозониб, биринчи разрядга эга бўлди.

Алlochи, тиришқоқ бу кичик командирни сержантлар тайёрлаш мактабиди олиб қолдиши. Ҳозирда кичик сержант Ҳ.Воҳидов ўзи тахсил олган масканда хизмат қилмоқда.

— Қайсибир маънода ўз олимга қўйган мақсадимга етдим. Яъни, профессионаллашиб бораётган армиямизнинг асл посбони бўлиш ниятим бор эди. Аммо бу — билимим, тажрибам Куролли Кучларимиз олимга қўйлаётган бугунги вазифаларни ҳал этишга тўла етади, деганим эмас. Яна қўшимча билим, тажриба ортириши умидиман, — дейди Ҳаёт.

Озу, ният сари иштилоқнинг ўз гузаллиги ва қудрати бор. Хар иккалмас жамулкам бўлганида интилиш самара берди. Кичик командирнинг профессионаллик сари ташлаган олимларини кузатиб туриб, бунга яна бир бор амин бўлам.



Алижон САФАРОВ, капитан.
Эркин ШЕРМАТОВ, Комолиддин ТУРАЕВ олган суратлар.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУХИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЁРОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетчилик билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ҳалқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва ҳалқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ.
Навбатчи — М. ҚОЛМАТОВА.
Мусоҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00.
1 2 3 4 5 6

ОМОНАТЧИ — ИҚТИСОДИЁТ ИНВЕСТИРО

(Давоми. Боши 2-бетда).

— Бу борада Жалқ банки ва унинг бўлимларида амалга оширилган ишлар хусусида ҳам кичикча тўхталиб ўтсангиз.

Кейинги бир йил мобайнида мутахассисларимиз томонидан республика молия бозорига аҳоли иштирокчилигини ҳолати ўрганиб чиқилди. Унда кўпчиликнинг турли хилдаги ютуқли ўйинларга мойиллиги аён бўлди. Ана шу талаб ва тақлифдан келиб чиқиб, қисқа мудатли ютуқли омонат турларини жорий қилиш. Ҳозирги кунда 10 дан ортиқ ютуқли омонат турлари бўйича тиражлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Банк амалиётини киритилган яна бир янгилик шуки, қўлгана оилалар банкда ҳисоб рақамларини очиб, бутун даромадининг шу орқали айланганини таъминлайпти. Айни кунларда республикамизда ҳарйиб 40 минг оила банкнинг ушбу хизматидан фойдаланаётир. Мингларча ўз ҳисоб рақамидан маблағ ҳисобидан пул кўчириш йўли орқали корхоналар, савдо дўконларидан товарлар сотиб олиш, электр энергияси, газ, телефон алоқаси ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширмоқдалар. Бундай оилаларнинг сади кун сайин кўпайётгани эса, айниқса, қувончлидир.

— Демак, Жалқ банки ҳалқ манфаати йўлида хизмат қилмоқда, демоқчисиз-да?

— Гап шуларки, жаҳон банк тизимига назар ташлайдиган бўлсак, унинг таркибидан бевоқиф аҳоли билан ишлайдиган банклар сонини санокчилик. Аксарият банклар асосан юридик шахслар — йирик-йирик корпорация ва концернлар, корхона, ташкилот, муассасалар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан ишланади. Аҳоли билан ишлаш эса янчагини ҳушмуомалликни, юқори маданиятни талаб қилади. Устига уст-

так, операциялар сон жиҳатидан кўп-у, бироқ кам даромадлидир. Қоливерса, дийримида банкчилик амалиётини XIX асрнинг охирида асос солиниши бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва бошқа йирик шаҳарларда дастлабки жамғармалар ташкил этилган эди. Ушбу жамғарма кассалари токи XX асрнинг 90-йилларигача фаолият юритиб келди. Кейинчалик уларнинг негизида «Жамғармабанк» тузилди. Бир сўз билан айтганда, илгари айнан халқимизга бозор шароитларига мос, замонавий комплекс хизмат кўрсатидиган банкнинг ўзи бўлмаган. Менемча, шу нуқтан назардан қараганда, Президентимиз ташаббуслари билан «Ўзжамғармабанк» негизида давлат тижорат Жалқ банки ташкил этилгани айни мудоао бўлди.

Эндиликда республикамиз фуқаролари Жалқ банкига фақат ўз маблағларини омонатларга қўйибгина қолмасдан, уй-жой қурилиши, истеъмолат, ўқув, дам-бадр кредитлари олиш, пулларини нафкат республика худудига, балки дунёнинг истаган нуқтасига кўчириш, уларига зарур бўлган техника воситаларини лизингга харид қилиш, қимматли қорозлар ва валюта операцияларини амалга оширишда ҳам унинг хизматидан фойдаланмоқдалар. Бир мисол. Ўз эҳтиёжларини қондириш учун банк кредитдан (2,1 млрд сўм) фойдаланган фуқароларимиз сонин бугунги кунда 20 минг кишидан ортиди.

— Жаминд Балривидиновчи, банк омонатчиларини истиқболда нимадир кўтмоқда? Сиз раҳбарлик қилган жамоанинг келгусидаги режалари нимадандир иборат?

— Аввало, шунини таъкидлаш керакки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини тўриқсизда»ги Қонуннинг қабул қилиниши республикамиздаги барча тижорат банкларни қаторида Жалқ банкнинг ҳам аҳоли бўш пул маб-

лағларини оборотга жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтирди. Шу ҳужжат асосида биз 2005 йилгача мўлжалланган ривожланиш дастуримизни ишлаб чиқдик. Мазкур дастур айнан омонатчиларимизга янада кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилиши назарда тутилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Омонатларга инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорларда фойдаланган пулларини таъминлаш, омонатларни мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғидан олиш, пул маблағларининг дунёнинг турли нуқтасига қисқа вақтда (ўн беш-йигирма минут ичида) етказилишига эришиш, оила бюджетини вақтинчалик етишмовчиликни қисқа мудатли (10, 15, 20, 25, 30, 60 кунгача) эҳтиёж кредитлари билан қоплаб туриш, ҳар бир оилга, зарур бўлса, унинг уйида банк хизмати кўрсатишни ташкил этиш унинг устувор йўналишларидир. Бошқача айтганда, бош вазифамиз — Жалқ банкнинг Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ОИЛА банкига айлантиришидир.

— Кейингисини, Жалқ банкига унинг раис ҳам ўз омонатчилигини сақлайдими?

— Бўлмаса-чи! Нафкат мен, балки банкимизнинг кўп минг сонли жамоаси ўзимиз танлаган широрта ўлик амал қилмади. Кези келганда, Жалқ банки ва унинг бўлимлари бутун республикамиз аҳолисига кенг қўламда банк хизмати кўрсатишга ҳамиша тайёр эканлигини таъкидлаб ўтишни истардим, омонатчилар ўзининг эркин маблағларини банкларга қўйиб, қўшимча даромад топишларини хоҳлардим.

«Жалқ сўзи» мухбири Фуқрат САНАЕВ сўзлашди.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА» БАНКИ

сизга ҳалқаро валюта ва сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни тақлиф этади.

«Асака» банки пластик карточкалари — бу ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

- Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europa (MasterCard) ҳалқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.
- Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.
- Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакага мутахассисларимиз мижозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.
- Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.

«АСАКА» банки карточкалари — бу янги бир дунё!

Bank "Asaka"

Пластик карточкаларни олиш бўйича банк филиалларига мурожаат қилинг.

Телефонлар: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

САВОЛ БИЗДАН...
Кечаси сонда берилган саволнинг жавоби:
Бухородаги Миноран Калон.

Аҳолини тиллар ва кечаси тилларда гаплашадиган, миллий валютасини инти бўлган давлат қайси?
136-35-60

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарлиги ва шаҳар таркиби Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи Нўрмонов Собирович ОХУНЖОНОВАНИнг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзэкономарк» РСКМ раҳбарлиги ва жамоаси Тимур Шариповга оид.
Галина БАКАЕВАНИнг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзнефтқайташлаш» акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси тезкор-оператив диспетчерлик бўлими бошлиғи Илдар Хазиевич ВАГАПОВА ОНАСИ
Дилора Қурбонова ВАГАПОВАНИнг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзнефтқайташлаш» акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси «Ўзэнефтигазқайташчилик» АК бош директори ўринбосари Иркин Хазиевич ВАГАПОВА ОНАСИ
Дилора Қурбонова ВАГАПОВАНИнг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Янгийўл» дон маҳсулотлари» акциядорлик компаниясининг жамоаси ва касба уюшмаси қўмитаси бошқаруви раиси Бахтиёр Исмаилович БАКИЕВГА ҚИЗИ
Гулноза БАКИЕВАНИнг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Темирўлчи» газетаси тахририят жамоаси газета бош муҳаррири Сувоқул Рустамовга оид.
Мунаввар РУСТАМОВАНИнг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоаси «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси муdiri, доцент Лола Шукуровага турмуш ўртоғи
Раҳмон ҚАРИМОВНИнг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Vinlad Сделаем жизнь спокойнее!

ОБОРУДОВАНИЕ СИСТЕМ ТЕЛЕНАБЛЮДЕНИЯ

SONY **J&S** **Panasonic** **PELCO**

Системы охраны периметра, теленаблюдение, контроль доступа, охранно-пожарное оборудование, аудио- и видеодомофоны, UPS, металлодетекторы и др. оборудование.

Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18. Тел.: 50-99-13, 50-46-13, тел./факс: 120-66-01
E-mail: vinlad@nayatov.com